

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**



**“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТ ВА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ”**

**“ОРГАНИЗАЦИЯ И УПРАВЛЕНИЕ ЭКОНОМИКОЙ И
ПРОИЗВОДСТВОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ:
ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА”**

**"ORGANIZATION AND MANAGEMENT OF THE ECONOMY AND
PRODUCTION IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY:
THEORY AND PRACTICE"**

мавзусида халқаро илмий-амалий конференция

15 АПРЕЛ 2021 ЙИЛ

**ТОШКЕНТ
“IQTISOD-MOLIYA”
2021**

УЎК: 338.2

КБК: 65.05

“Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш: назария ва амалиёт” мавзусида халқаро микёсдаги онлайн илмий- амалий конференция материаллари тўплами –Т.: ТМИ., 2021. – 864 б.

и.ф.д., проф. Т.З.Тешабаевнинг умумий раҳбарлиги остида

Таҳрир хайъати аъзолари: и.ф.д., проф.А. Туйчиев, и.ф.д., проф. С.Мехмонов, проф.Э.Набиев, проф.Ф.Назарова, доц.Ш.Аллаяров, доц.У.Якубов, доц.Х.Асатуллаев, доц.Т.Эрматов, доц.Г.Ҳамдамова, доц.Д.Жалолова, PhD Ш.Ходжаева, Н.Рахматуллаева, Ф.Базарова, Б.Сулаймонов, Х.Шодмонов, С.Маъмуров, С.Собиржонов, А.Каримов, Ш.Ачилова, Ш.Расулов, Н.Ўктамova.

Такризчилар: и.ф.д., проф. Ҳ.П.Абулқосимов

и.ф.д., проф. Т.Т.Жўраев

Ушбу тўпланда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2021йилда халқаро ва республика микёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режаси”га мувофиқ, Тошкент молия институти “Менежмент ва маркетинг” кафедраси томонидан Полоцк давлат университети, Малайзиянинг Binaгу университети ҳамда European Institute of Applied Science and Management институтлари билан ҳамкорликда 2021 йил 15 апрель куни **“Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш: назария ва амалиёт”** мавзусида ўтказилган халқаро микёсдаги онлайн илмий-амалий конференция материаллари ва тезислари ўрин олган.

Мазкур илмий маъруза тезислари тўпламида мамлакатимиз ҳамда хорижий йирик иқтисодчи олимлар, тажрибали амалиётчилар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтлари ва марказларининг етакчи илмийходимлари, докторант ва мустақил изланувчиларнинг илмий тадқиқот иши натижалари мужассамлашган.

Ушбу нашрда келтирилган барча маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар муаллифларга тегишли бўлиб, таҳрир хайъати аъзоларининг фикрига мос келмаслиги мумкин. Нашрда келтирилган рақамлар, статистик маълумотлар, фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар масъул ҳисобланади.

УЎК: 338.2

КБК: 65.05

ISBN 978-9943-13-987-0

© Тошкент молия институти, 2021

© “IQTISOD-MOLIYA”, 2021

ИНСТИТУТ РЕКТОРИНИНГ КИРИШ СЎЗИ

**Ассалому алайкум, ҳурматли анжуман иштирокчилари,
меҳмонлар ва кадрли устозлар!**

Ҳозирги пандемия шароитида масофадан туриб ўзларининг қимматли вақтларини аямасдан мазкур анжуманда иштирок этаётган ҳамкорларимиз Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъуллари ҳамда амалиётчи-мутахассисларга, шунингдек ушбу Конференцияга ҳамкорлик қилаётган нуфузли хорижий Олий Таълим Муассасалари Полоцкий давлат университети, Малайзиянинг Binary университети ҳамда European Institute of Applied Science and Management институтларига ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз!

Бугунги кунда рақамли технологиялар инсон ҳаётининг барча соҳаларига жадал кириб бормоқда. Ўз навбатида, бундай ривожланиш йўлига ўз вақтида киришган давлатлар муваффақиятларга эришмоқда. Эскичамехнат қилаётган давлатлар эса тараккиётдан ортда қолмоқда. Бу ҳақда 22- сентабр куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган “Саноат ва минтақаларда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни жорий этиш”га бағишланган видеоконференцияда муҳокама қилинди.

Бутун дунёда рақамли трансформация жараёнлари давом этар экан, замонавий воқелик ва тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ҳам рақамли иқтисодиётга ўтишни бошлади. 2017 йилда ягона Интерактив Давлат хизматлари порталининг янги версияси ишга туширилди (my.gov.uz), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳаларни бошқариш Миллий агентлиги ташкил этилди. Ва 2018 йилда, Digital Trust фонди жалб этиш ва блокчейн технологияси жорий этиш билан боглиқ, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари бўйича соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторларнинг маблағларини мустаҳкамлаш мақсадида рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини кўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган. Шунингдек, фан, таълим ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш Давлат дастурида рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш соҳасида Президентимиз томонидан белгиланган кенг кўламли вазифалар ва лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ахборот технологияларини янада ривожлантириш мақсадида 2020-йил 28-апрелда “Рақамли Иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш

чора-тадбирлари тўғрисида” ги Президент Фармони қабул қилинди. Ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича комплекс чора- тадбирлар белгиланган. Давлат раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида 2021-2022 йилларда сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси тўғрисида” ги фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Соҳада ривожланишнинг янги босқичи Президентимизнинг 2020-йил 5-октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони имзоланиши бўлди. Ҳужжатнинг қабул қилинишидан мақсад замонавий ҳақиқатларни ҳисобга олган ҳолда рақамли иқтисодиётга муваффақиятли ўтишдир. Зеро, бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ЯИИМдаги улуши 2,2 фоизни ташкил этмоқда.

Демак, 2020-2022 йилларда “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси ва уни амалга ошириш учун “йўл харитаси” нинг қабул қилиниши, биринчи навбатда, рақамли иқтисодиётга ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратади. Ҳужжатда рақамли инфратузилмани ривожлантириш, электрон ҳукумат, миллий рақамли технологиялар бозори, ахборот технологиялари соҳасида таълим ва илгор таълим каби устувор йўналишлар мавжуд.

Ҳозирги **рақамли иқтисодиёт шароитида менежментнинг долзарб масалаларини кенг талқин этиш**, бунда иқтисодий-молиявий барқарорликни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги муаммоларини таҳлил қилиш, шунингдек, ички иқтисодиётнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланган юқори технологияли миллий иқтисодиётда **замонавий менежментни ривожлантиришга** қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, бугунги **“Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш: назария ва амалиёт”** мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани мавзуси долзарб аҳамиятга эга.

Анжуманнинг асосий мақсади — Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни шакллантиришдан иборат.

Ўйлайманки, анжуман давомида соҳага оид долзарб муаммолар муҳокама этилиб чуқур таҳлил қилинади, қимматли фикрлар билдирилади ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Бу борада иштирок этаётган барча маърузачилар, профессор-ўқитувчилар, амалиётчи мутахассислар, илмий изланувчилар ва талабаларга муваффақият тилаган ҳолда анжуманни очик, деб эълон қиламан.

Эътиборларингиз учун раҳмат!

*Тошкент молия институти ректори,
и.ф.д., профессор Т.З.Тешабоев*

mustaqilligi tufayli ularni xodimlarning faoliyatini tashkiliy jihatdan ta'minlashning alohida elementi deb qarash maqsadga muvofiqdir.

Xodimlarni tanlash, tayyorlash va malakasini oshirish. Tashkiliy vazifalarni hal qilishda xodimlarni tayyorlash va ularning faollik darajasini oshirish katta ahamiyatga ega. Bozor munosabatlarini rivojlantirish xodimlarni tayyorlash va malakasini oshirishga yondashishni tubdan o'zgartiradi. Yangi sharoitlarda xodimlar bilan ishlash sohasida vaziyatga moslashuvchanlik zarur, ya'ni kasbiy tuzilma ishlab chiqarishning texnikaviy negizi o'zgarib borishiga muvofiq ravishda o'zgaruvchan bo'lishi lozim.

Mehnatni rag'batlantirish. Mehnatni moddiy va ma'naviy rag'batlantirish tizimini yaratish ish haqi, lavozim maoshi turlari va tizimlaridan foydalanish, mukofotlash tizimlarini ishlab chiqish kabilarni nazarda tutadi. Mehnatni rag'batlantirishni tashkil etish mehnat faoliyatida yuksak ko'rsatkichlarga erishish maqsadida ish vaqtidan oqilona foydalanish, ilg'or ish usullarini o'zlashtirish, ish joylarini yaxshiroq tashkil etish, ishda zaruriy aniqlik va uyushqoqlikni ta'minlashga qaratilishi lozim.

Ijtimoiy-mehnat munosabatlari. Hozirgi vaqtda «ijtimoiy-mehnat munosabatlari» atamasi ilmiy iste'molga kirib qoldi va faol ravishda ishlatilmoqda. U nomlayotgan realliklarni tarkibiy element sifatida xodimlarning mehnat faoliyatini tashkiliy jihatdan ta'minlashga kiritish o'rinlidir.

Mehnat intizomi. Korxona xodimlarining umumiy mehnat natijalari har bir xodimning shaxsiy mehnat natijalariga bog'liqdir. Shu sababli ularning birgalikda faoliyat olib borishlari uchun muayyan tartibni saqlab borish, ishning boshlanishi va tugallanishi, tanaffuslar va hokazolarga rioya etish lozim. Bundan tashqari esa mehnat intizomini saqlab borishning aniq mexanizmi ham zarur.

Bozor iqtisodiyoti davrida raqobatda engib chiqishning asosiy omillaridan biri makroiqtisodiyotga taalluqli, ijtimoiy va shaxsiy sektorlardagi korxonalarda ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga erishishdir. Bu asosan mavjud ishchi kuchidan oqilona foydalanish evaziga erishiladi. O'z navbatida ishchi kuchidan samarali foydalanish ko'pincha har xil bajarilishi zarur bo'lgan ishlarning ayrim ijrochilar o'rtasida to'g'ri taqsimlanishiga, ya'ni ularning malakasiga, tajribasiga va zukkoligiga yarasha ish bilan bab-barovar ta'min etilishiga bog'liqdir.

ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР МАРКЕТИНГИ ТИЗИМИДА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бахриддинов Ж.Р.

*Наманган муҳандислик-технология институти
таълим докторанти*

Корхонада бошқарув ҳисоби тизимининг самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш ва ривожлантириш дастури уларни бартараф этишга йўналтирилиши лозим бўлган асосий муаммоли жиҳатларни санаб ўтиш даркор. Олиб борилган тадқиқотлар давомида корхоналар бошқарув ҳисоби ва ҳисоботлари тизимларини таҳлил қилиш натижаларига кўра амалдаги бошқарув ҳисоби тизимларининг турли даражадаги раҳбарларнинг мувозанатлашган бошқарув қарорларини қабул қилиш

имкониятларини чекловчи энг кўзга кўринган камчиликлари аниқланди. Сўнгра бошқарув ҳисоботлари тизимини такомиллаштириш ва уни таъминловчи ахборот базасини мақбуллаштириш юзасидан тавсиялар ҳам берилди. Тадқиқотлар натижасида бошқарув ҳисоби тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилар.

1-жадвал

Бошқарув ҳисоби ва ҳисоботлари тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари⁷

1.	Бошқарув ҳисоботларининг таркиби, иерархияси, мазмуни ва уларни тақдим этиш шаклини ривожлантириш;
2.	Молиявий режалаштириш ва бюджетлаштириш тизимини ривожлантириш;
3.	Ички назорат тизимини такомиллаштириш
4.	Режалаштиришнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли имкониятларини боғлаган ҳолда корхонанинг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;
5.	Харажатлар ҳисоби тизимини такомиллаштириш

Тадқиқот мавзуси доирасида бошқарув мақсадларида бухгалтерия ҳисоби усуллари тизимлаштириш муаммолари замонавий иқтисодиётда бошқарув ҳисобининг моҳиятини ва мақсадини унинг таркибида ички назорат ва бюджетлаштиришни чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Соҳа мутахассисларини илмий ишларини ўрганиб, ушбу соҳанинг иқтисодий аҳамиятини корхоналарнинг инновацияларга интилаш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бундан ташқари, бошқарув ҳисоби моҳиятини аниқлаш учун инновацион ёндашув зарурати илмий ва амалий жиҳатдан уни татбиқ этишда аҳамиятли бўлиб,

бошқарув ҳисоби фани бошқарув имкониятлари ва бошқа бошқарув қуйи тизимлари билан алоқаларини аниқ белгилаш имконини беради. Лекин буларнинг барчаси, ҳисоб ва бошқарув тизимининг камчиликлари билан боғлиқ. Бунинг сабаби шундаки, ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларнинг қанчалик тез ўзгариши ҳисоб маълумотларини шакллантириш усуллари ҳам ўзгаришига олиб келади.

Бошқарув ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари, моҳияти қатор олимларни илмий ишларида ва адабиётларда ўз аксини топган. Ўқув-услубий адабиётлар, мақолалар ва тадқиқотлар кенг доирасини таҳлил қилиш натижаларига асосланган ҳолда бошқарув ҳисоби ва ҳисоботлари тизимларининг дон корхоналарига хос бўлган айрим камчиликлари аниқланди:

- Ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланувчи саноат корхоналарида амал қилиб турган тизим, маълумотлар ва ҳисоботлар сводкалари тизими, одатда, қисмларга бўлиниб кетган бўлиб, ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни бошқаришни ахборот билан таъминлашга (ахборотнинг тўлиқлиги, уни таққослаш мумкинлиги, тезкорлиги, аниқлиги, қисқалиги, мақсадга мувофиқлиги ва ҳ.к.га) нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб бермайди;

- таҳлилий ҳисоботларнинг бир қатор аниқ шакллари мавжуд эмас;

⁷Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган


- бошқарувнинг турли даражалари учун ҳисоботлар шаклларининг намунавий шакли мавжуд эмас.

Бошқарувда маркетинг фаолиятини ташкил этиш деганда, унинг вазифаларини бажарувчи таркибий бўлимларни шакллантириш ва уларнинг ўзаро масъулиятларини ҳамда муносабатларини ифодаловчи тизимни яратиш тушунилади. Бундай тизим оддий корхонадан бошлаб, бозорнинг барча субъектлари, давлат, нодавлат, тижорат, нотижорат ташкилотлари, туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсидаги маркетинг хизматларини ўз ичига олади. Маркетинг фаолияти ва унинг махсулаштириши, корхонанинг умумий фаолиятидаги меҳнат тақсимоти шаклланишини аниқлаб, унинг бошқарув тизимидаги ўзаро мантиқий муносабатлар даражаси юксалиши орқали бозордаги мақсадига эришишига асосий восита бўлади.

Корхона бошқарувининг маркетинг бўлими бажарадиган функцияларини бошқа барча вазифаларидан энг катта фарқи шундаки, унинг маркетинг фаолияти ишлаб чиқарган товар харидор ва истеъмолчилар орасида доимий алоқани шакллантиришга қаратилган. Шунинг учун ҳам маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва ундан самарали фойдаланиш, ҳар қандай корхона ёки тадбиркорнинг бош мақсади бўлиши керак.

Бошқарувда маркетингни ташкил этиш жараёнида унинг вазифалари ва функцияларини бажарувчи бўлим фаолиятини корхонанинг бошқа бўлимлари иши билан мувофиқлаштириб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Энг аввало, бошқарувда маркетинг ва молия бўлимлари ишини яқинлаштириш, маркетинглоглар корхона бюджети, товарлар бўйича харажатлар, таннарх солиқлар ва фойда, унинг тақсимоти масалаларини яхши билиши билан бирга, маркетинг бюджетини ҳам ўзлари ишлаб чиқишлари ва унинг бажарилишини назорат қилишлари шарт. Маркетинглоглар ва корхона юристлари ўртасида ҳам қонунлар, низомлар, шартномалар бажарилишини ва товарни сотиш билан боғлиқ тартиб-қоидаларга риоя этиш каби ҳолатларда ўзаро ҳамкорлик қилиш тавсия этилади. Шунга ўхшаш, маркетинг бўлими корхона бошқарувининг барча таркибий тузилмалари билан ўз режалари ва ишларини мувофиқлаштирган ҳолда фаолият кўрсатишлари талаб этилади.

Таннарх ҳисоби тизимининг бош масаласи маҳсулот таннархини ишончли, объектив аниқлаш, менежерларга қарор қабул қилиш учун ахборот тақдим этиш, бошқарув қарорларининг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулот бирлиги таннархини аниқлашдир. Нархни белгилашнинг ўзгарувчан харажатлар усулидан фойдаланиш афзаллиги шундан иборатки корхона доимий умумлаштириб чиқариш харажатлари ва маъмурий-бошқарув ва тижорат харажатлари ҳамда фойда(режа) қўшиш ҳамда уни ўзгарувчан харажатларга бўлиш орқали амалга оширилади. 3.3.1-расм



1-расм Бошқарув ҳисобини юритишда ўзгарувчан харажатлар усули орқали товарлар нарҳини белгилаш

Корхона маҳсулот сотишдан тушган тушум ва жами маблағлари ялпи фойдани ташкил қилади. Ялпи фойдани ҳажмини оширишда маҳсулот таннархи муҳим аҳамият касб этади, чунки нарх бозор талабидан келиб чиқиб белгиланиши зарур. Ялпи фойдасотишдан олинган фойда ёки ялпи даромад деб ҳам аталадиган бу компания ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни ёки ўз хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни чиқариб ташлаганидан кейин келтирадиган фойда.

<i>У.К. Якубов, М.Кимсанбоева, З.А.Рашидходжаева.</i>	ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТНИНГ ВАЛЮТА МАБЛАГЛАРИ ХАРАКАТИНИ ТАҲЛИЛИ.....	825
<i>A.Karimov,</i>	SECURITIES MARKET IN FOREIGN COUNTRIES UNDER THE CONDITIONS OF DIGITAL ECONOMY.....	827
<i>С.Э.Элмирзаев, А.И.Каримов.</i>	РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ФОНД БОЗОРИГА БЎШ ПУЛ МАБЛАГЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ АМАЛИЁТИ.....	830
<i>Ф.Т. Мухамедов, А.И. Каримов.</i>	ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНҒАН МАМЛАКАТЛАРДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИСАВДОСИ	834
<i>А.И. Каримов.</i>	РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИГА БЎШ ПУЛ МАБЛАГЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ	836
<i>Х.Н. Шодмонов, А.И. Каримов.</i>	РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА САМАРАЛИ БАНДЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	839
<i>X.N. Shodmonov.</i>	BANDLIKNING IQTISODIY MECHANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH MOHIYATI VA SAMARASI.....	841
<i>Бахриддинов Ж.Р.</i>	ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР МАРКЕТИНГИ ТИЗИМИДА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	846

This image shows a single sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

**“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТ ВА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ”**

**“ОРГАНИЗАЦИЯ И УПРАВЛЕНИЕ ЭКОНОМИКОЙ И
ПРОИЗВОДСТВОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ:
ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА”**

**"ORGANIZATION AND MANAGEMENT OF THE ECONOMY AND
PRODUCTION IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY:
THEORY AND PRACTICE"**

мавзусида халқаро илмий-амалий конференция

Муҳаррир

Э.Хуснитдинова

Ш.Базарова

Компьютерда саҳифаловчи-дизайнер

К.Бойхўжаев

Нашр лист. А1¹ 350. Босишга рухсат этилди 20.04.2021.

Бичими 84x108/16. Offset қогози №2.

«New Times Roman» гарнитураси.

Шартли б.т. 48,5. Нашр ҳисоб т. 50,6

Адади 200 дона. 25-buyurtma.

«IQTISOD-MOLIYA» нашриётида тайёрланди.

100000, Тошкент, Амир Темура кўчаси, 60^а.

«DAVR MATBUOT SAVDO» МЧЖ

босмахонасида офсет усулида чоп этилди.

100198, Тошкент, Қўйлик, 4-мавзе, 46.